

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!
Қуроли Кучларимиз фахрийлари!**

Муҳтарам ватандошлар! Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этман.

Ушбу қутлуғ айём том маънодаги умумхалқ байрамига, азалдан халқимизга хос бўлган ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик каби юксак фазилатлар тимсолига айланб бораётгани барчамизни қувонтиради. Таъкидлаш кераки, миллий армиямизнинг куч-қудрати азму шижоатли ва ҳар ишда етуқ салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, бағрикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидадир. Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.

Ишончим комилки, ана шундай буюқ маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанимиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч рахна сололмайди, демократик ислоҳотларимиз йўлида ҳеч қачон ортага қайтара олмайдими.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуроли Кучларимиз сафарларида хизмат қилаётган қўрқмас ва ҳақиқий ватанпарвар аскар ва офицерларнинг ота-оналарига, шунингдек, ҳарбий ҳаётнинг бутун қувонч ва ташвишларини турмуш ўроқлари билан баҳам қўриб келаётган меҳрибон ва сабр тоқатли рафиқаларига улкан миннатдорлик билдирирман.

Биз сизларнинг тимсолинга гизда миллий армиямизга тоғдек таянч бўлиб турган буюқ маънавий кучни кўрамиз. Бугунги улуғ айёмда сизларнинг ҳам Ватанимизнинг мудофаа қудратини оширишда муносиб хиссангиз борлигини яна бир бор катта мамнуният билан эътироф этамиз.

Қадрли дўстлар! Биз бундан тўрт йил олдин Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича энг муҳим ва устувор йўналишларни белгилаб олган эдик. Шу асосда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустақамлаш ва Қуроли Кучларимизни ривожлантириш учун кенг қўламли ишларни амалга оширмоқдамиз.

Ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қурул-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди.

Тарихимизда биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим – ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустақамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. Энг муҳими, «Армия ва халқ – бир тану бир жондир»

деган улуғ ғояни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Қуроли Кучлари республикаимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончи ҳимоя қилишининг чинакам қадролати бўлмоқда.

Энг асосийси, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.

Албатта, ўтган 2020 йил жаҳондаги барча давлатлар қатори мамлакатимиз учун ҳам жиддий синовлар йили бўлди. Биз коронавирус пандемиясининг таҳдидига, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида кутилмаган табиий ва техноген офатларга дуч келдик.

Ана шундай ғоят кескин шароитда Қуроли Кучларимиз соҳибқирон Амир Темури бобоимизнинг «Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ – чин вазирангиздур», деган эзгу даъватини ўзига шиор қилиб олди.

Улар халқимизга янада яқин бўлиб, сафарбарликни ошириб, қисқа муддатларда ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни муносиб адо этганини барчамиз чексиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Айниқса, бу жараёнда ҳарбий шифокор ва хизматчиларимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари ва кутқарув хизмати ходимлари ҳақиқий мардлик ва жасурат намунасини, юқори касбий маҳоратни намоён этганлари алоҳида таҳсин ва эътирофга сазовордир.

Бундай мураккаб вазиятда Қуроли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкил этилгани аҳоли саломатлиги ва ҳаётини мудофаа қилиш борасида олдимизга қўйилган долзарб вазифаларни тезкор ва самарали ҳал этиш имконини беради.

Минтақамизда ягона бўлган ушбу янги академия ҳарбий тиббиёт соҳасида, Фавкулда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган юқори малакали ва ихтисослашган кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Академияда жаҳон андозаларига мос инновацион ишланмалар ҳамда илғор технологияларга асосланган ўқув-лаборатория хоналари ва энг замонавий моддий-техник база яратилмоқда.

Миллий армиямизнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий қудрати ва салоҳиятини янада ошириш имконини берди.

Паҳлавон ва ботир ўғлонларимиз халқаро ҳарбий-ўқув машғулотлари, армия ва спорт мусобақаларида дунёдаги етакчи мамлакатларнинг ҳарбий хизматчиларига асло бўш келмасдан, ғалабага бўлган иродасини яққол намоиш этиб, буюқ аждодларимизнинг муносиб ворислари эканини исботламоқдалар.

Муҳтарам ватандошлар! Биз глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамадсан, ҳарбий хизматчиларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳарбий шахарчаларни ободонлашти-

риш, уларда замонавий инфра-тузилмалар барпо этиш бўйича тизимли ишларимизни изчил давом эттиряепмиз.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш ва аҳоли салоҳиятини янада кучайтириб, муқаддас бурчини бажаришда мардлик, жасурат ва фидоийлик кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик ва она юртва садоқат руҳида тарбиялаш, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларида қўшган муносиб ҳиссаси учун қўйиладиган мукофотлансин.

Ҳеч шубҳасиз, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йилида бу борадаги ишларимизни янада кучайтириб, муқаддас анги босқичга кўтарамиз.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлари форумида, Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномамизда ҳам ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни аниқ белгилаб бердик.

Янги Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом, Она Ватанга фидоий ва жонқур инсонлар бўлиб улғайиши, шонли тарихимиздан ибрат олиб, ундан фахрланиб яшаши учун барча куч ва имкониатимизни тўлиқ сафарбар этамиз.

Жаҳонда мафқуравий қурашлар кескин тус олаётган, ақборот маконида турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда барчамиз доимий оғоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак.

Айниқса, адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушган шахслар ва уларнинг фарзандларида мафқуравий имунитетни шакллантириш ва уларни соғлом турмуш тарзига, тўғри йўлга қайтаришда ҳарбий хизматчиларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтириши лозим.

Хурматли мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!

Бугун дунёнинг олис ва яқин минтақаларида мураккаб можаро ва тўқнашувлар давом этаётган бир пайтда жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишимиз шарт.

Хусусан, мудофаа қобилиятимизни мустақамлаш, қўшинларни замонавий қурул-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ақборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш бундан кейин ҳам устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ана шундай эзгу мақсад ва марраларга эришишга, халқимизнинг тинч меҳнати, осойишта ҳаётини, юртимизнинг мусаффо осмонини кўз қорачигидек асраб-авайлашга ҳар томонлама қодирмиз!

Хурматли дўстлар! Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан сиз, азизларни ва оила аъзоларингизни яна бир бор чин юрақдан табриклайман.

Барчангизга мустақам соғлиқ, оилавий бахт ва саодат, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмат-эҳтиромини сизларга ҳаммиша ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг мудофаа қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чеварларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш ва нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик-осойишталик ҳамда жамоат тартиббини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфатларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик, жасурат ва фидоийлик кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик ва она юртва садоқат руҳида тарбиялаш, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларида қўшган муносиб ҳиссаси учун қўйиладиган мукофотлансин:

«**ФИДОКОРОНА**
ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН

Бурхонов Ахмад Жамолович – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари – Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонини

II ДАРАЖАЛИ
«ШОН-ШАРАФ»
ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Бекмурод Тожирижаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг биринчи ўринбосари

Бабалиев Ғафур Ганиевич – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Ҳарбий қисм эскадранига командири

Гиясов Фаррух Камалитдинович – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Иминов Зайнобиддин Рўзиевич – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Ҳарбий округ қўшинлари қўмондонини

«**ДУЎСЛИК»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Каримов Жамшид Жалилович – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари

Ким Евгений Владимирович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлими бошлиғи

Султанов Баҳодиржон Тухтабоевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг бош бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари

«**МАРДЛИК»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Давлатов Фарходжон Комилович – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Ҳарбий қисм командири

Исмоилов Мансурбек Баҳодирович – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонининг ўринбосари

Есанов Тўлқин Абдурахманович – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Ҳарбий қисм батальон командири

«**ЖАСОРАТ»
МЕДАЛИ БИЛАН**

Болтаев Бунёд Пўлотолич – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Ҳарбий қисм взводи секция командири

Гайбуллаев Алимардон Умурулович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий қисм батальон командири

Ишмуратов Шамсиддин Коржовович – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Ҳарбий қисм взвод командири

Каримов Жамшидбек Олимбаевич – Сурхондарё вилояти боҳжона бошқармаси «Сариосиё» чегара боҳжона пости катта инспектори

Қодиралиев Улуғбек Маннопали ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ташкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Мухаммадиев Рустам Идрисович – Ўзбекистон Республикаси Фавкулда вазиятлар вазириликнинг Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани фавкулда вазиятлар бўлими бошлиғи

Нарзиёв Бобур Норқузи ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Ҳарбий қисм взвод командири

Норматов Фарух Кахрамонович – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари

Нуруллоев Улуғбек Суннатилло ўғли – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Ҳарбий қисм батальон командири

зириликнинг Ҳарбий қисм гуруҳ катта мутахассиси

Рашидов Жасур Худойкулович – Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбектемирўлэкспедиция» унитар корхонаси тасарруфидаги «Sogdiana trans» шўъба корхонаси ҳайдовчиси

Эшонкулов Соҳиб Шайимович – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Янгибоев Хусниддин Имомқуллович – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси инспектори

«**СОДИҚ**
ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»
МЕДАЛИ БИЛАН

Абдурахманов Отабек Джурбаевич – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазириликнинг Таъминот департаменти бошлиғи

Абдурахманова Нодира Мирзахитовна – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бўлим бошлиғи

Абдурахмонов Акмалжон Имомалиевич – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси катта терговчиси Айхунбаев Йўлчи Лапасович – Ўзбекистон Республикаси Фавкулда вазиятлар вазириликнинг Сирдарё вилояти бошқармаси ёнғин-қутқарув отряди гуруҳ қутқарувчиси-гавовиси

Ақбаров Мирҳаким Гуламзаирович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси алоҳида батальонини гуруҳ сафдор ходими

Ақбаров Хизирли Умаралиевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

Джалилов Акмал Саттарович – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси 2-жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

Дусуниязов Бахтияр Зарипович – Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури бўйича тайёрлаш маркази бошлиғи

Ёқубов Улуғбек Аҳмадович – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамаси Ҳарбий лаштирилган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник таъминлаш бўлими бош мутахассиси

2»

МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 13 январь кунини машинасозлик тармоқини трансформация қилиш ва соҳада рақобатни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мазкур тармоқ мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи йўналишларидан бўлиб, саноатдаги улуши 11 фоизни ташкил қилади. Шу билан бирга, ҳисоб-китобларга кўра, ушбу соҳада ишлаб чиқаришни бир неча баробар ошириш имконияти бор.

Бугунги кунда бир қатор компаниялар Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва инвестициялар олиб кириш истагини билдирмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбари локализация даражасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчилар учун бир хил шароитлар жорий этиш бўйича кўрсатмалар берди. Бунда, автомобилларни саноат усулида йиғиш, йилга 50-60 мингга ҳамёнбоп автомашина ва электромобиллар ишлаб чиқаришга инвестиция киритиш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда Хоразмда кузов деталларини тайёрлаш корхонаси, Анджиҳонда 4 та, Навоий вилоятида 2 та маҳаллийлаштириш лойиҳалари ишга туширилди. Кооперация платформаси доирасида 122 та хусусий корхона ишчиликда яна 80 та детал ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди.

Мамлакатимизда барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда. Йиғилишда шу масалага эътибор қаратилиб, хоржий мутахассислар иштирокида «Ўзавтосаноат» фаолиятини трансформация қилиш офисини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Ушбу жараёнларда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирилик етакчи бўлиб, ишларни мувофиқлаштиради.

1 июлга қадар тармоқ таркибидаги 40 та корхонани трансформация қилиш бошланади. Тармоқда рақобат муҳитини ривожлантириш учун компания таркибидаги эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган 23 та корхонани хусусийлаштиришга тайёрлаш лозимлиги қайд этилди. «Ўзавтосаноат»нинг асосий фаолиятига боғлиқ бўлмаган 14 та ташкилотдаги улушларни сотувага чиқариш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда кишлоқ хўжалиги машинасозлигини ислоҳ қилиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама этилди. Тармоқда иқтисодий самарадорликни ошириш, ресурслардан оқилана фойдаланиш бўйича вазифалар белгиланди.

Мутасаддиларга корхоналарнинг бўш ер майдонларини оптималлаштириш, техникалар таннархини 30 фоизгача тушириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳамёнбоп техникалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шу йил якунигача уларнинг локализациясини 30 фоизга, келгуси йилда эса камида 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда белгиланган вазифалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

Сихатгоҳларда

ОЛТИН УЗУКНИНГ БРИЛЛИАНТ КЎЗИ

ёхуд янги санаторий ҳақида илк
дам олувчиларнинг фикри қандай?



Шу йилнинг 4 январиди пойтахтимизда «Чинобод плаза» санаторийси иш бошлаган эди. Мазкур сихатгоҳнинг биринчи дам олувчилари устоз ва мураббийлар, илм-фан, маданият соҳаларида узоқ йиллар меҳнат қилган инсонлар бўлди.

Айни пайтда санаторийда юз нафардан ортиқ ана шундай азиз инсонлар ўз соғлигини тикламоқда. Шу билан бирга, уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси қошидаги «Қасаба сайр» шўъба корхонаси пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирмоқда.

Мана, ўн кунлик соғломлаштириш жараёни ҳам поёнига етиб қолди. Хўш, таассуротлар қандай?

– Қишнинг қаҳратон соғувига муҳташам масканда ҳордиқ чиқарганимиз қалбимизга илиқлик олиб кирди, – дейди Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 8-умумтаълим мактаби директори Низомиддин Ботиров. – Барчаси аъло даражада. Биз бў эътибордан беҳад мамнунмиз.

– Жаҳон талаблари асосида бунёд этилган ушбу муҳташам сихатгоҳда соғлигимни тиклаётганимдан ниҳоятда шодман, – дейди Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Зилюла Халилова. – Бу иншоотга шундай таъриф бергим келади: олтин узукнинг бриллиант кўзи. Очиғи, ўн кун қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қолдим. Ходимларнинг бизга муносабатидан тортиб, кўр-

сатилаётган хизматларга, умуман, барчасига гап йўқ.

Маълумот ўрнида қайд этиш лозимки, 2021 йил давомида «Чинобод плаза» санаторийсида 13 минг 500 нафар педагогнинг соғлигини тиклаш режалаштирилган.

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ
29 ЙИЛЛИГИ ХАМДА ВАТАН ҚИМОЯЧИЛАРИ КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБӢЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ
МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН
БИР ГУРУҲНИ МУҚОҒОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1 Жалолов Аслиддин Мухиддинович – Жиззах вилояти Мирзачўл тумани ички ишлар бўлими бошлиғи
Зулфиров Бахром Билолидирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти бошлиғи
Изатуллаев Акрамжон Шукруллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа sanoati бўйича давлат қўмитаси департаменти бошқарма бош мутахассиси
Казимов Эркин Исраилович – Самарқанд шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори
Мамадалиев Улғабек Одилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Мамажонов Фахриддин Мухторович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси алоҳида батальон командири
Маманазаров Фаррух Пирназарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқаруви аппарати хизмат бошлиғи
Маманосупов Муроджон Абдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқарма бошлиғи
Марасулов Аброр Амонидинович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта механиғи
Мирзаев Нуриддин Хамидуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари
Муратов Руслан Ихласович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент вилояти бўйича портловчи ускуналарни зарарсизлантириш махсус отряди бош мутахассиси
Найимов Азиз Убайдуллоевич – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги маркази ёнгин-қутқаруви қисми йўриқчи-қутқарувчиси
Насматов Бахтияр Умарович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси ёнгин-қутқаруви отряди гуруҳ кутқарувчи-ғаввоси
Одилов Фаррух Ҳаётович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони катта техниғи
Ортиқов Фарходжон Набижонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғи
Пирназаров Роман Аралович – Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академияси кафедра ўқитувчиси
Раимов Эммурад Телманович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси алоҳида батальони командири
Сабилов Акбар Ҳоджиёвич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи
Сатторов Валижон Бозорбоевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Сафаев Юсуббай Хужабоевич – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси тезкор вазиғларни бажарувчи сафарбар отряди командири
Тажиев Жанибек Адамбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоҳа ҳарбий институти лабораторияси катта илмий ходими
Ташбеков Самар Расулчилов – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ИХТисолаштирилган ўқув маркази цикли бошлиғи
Улмасова Шахноза Раҳматджановна – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Марказий ҳарбий госпитали шифокори
Хайтов Бахтиёр Омонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари
Халмухамедов Дониёр Заирович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиғи ва фавқулодда вазиятлар муаммолари илмий-тадқиқот институти бошлиғининг ўринбосари
Хасанов Дилшод Закирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи
Хидиров Шахриддин Эргашович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи
Холматов Хабибулла Хамидуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик- муҳандислик билим юрти кафедра доценти
Хуррамов Жамшид Ахрорович – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра бошлиғи
Чориев Мирولي Бахтиярович – Навоий вилояти божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Шарипов Феруз Наимович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командири
Шокиров Умиджон Шарибжонович – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси
Шорустамбоев Умид Мухаммаджон ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вазирлиги махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси бўлими бошлиғи
Эргашев Рустам Абдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири
Эрдонев Фахриддин Тўрақулович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм гуруҳ командири
Эрматов Хусан Абдуманович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий сафарбарлик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Юлдашев Мансур Махмуджонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари
Юнусов Улғабек Абдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти кафедра бошлиғининг ўринбосари

тон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош трансфузиолог
Касимова Гулчехра Мирвалиевна – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали терапевт шифокори
Матқурбанов Сардор Балтабаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ Нукус ҳарбий госпитали бошлиғи
Нарзиев Шухрат Каримович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ Самарқанд ҳарбий госпитали бўлими бошлиғи
Холмаматова Лариса Хакбердиевна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали шифокори
Юлдашев Абдуғани Хошимович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
Ахмедов Фарход Хабибуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили
Бахрамов Бахтиёр Акрамович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар Мирзо Улғабек тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнгин-қутқаруви қисми йўриқчи-қутқарувчиси
Боротов Рустам Ботирович – Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бош штаби бошқарма штаби бошлиғининг ўринбосари
Буриев Алберт Алиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари
Ешузоқов Эркабой Эргашбоевич – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жиззах вилояти Мирзачўл тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнгин-қутқаруви қисми кутқарувчи-ҳайдовчиси
Жалилов Рафиқжон Қулдашев – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиғи бошқармаси бошлиғи
Журакулов Лазизжон Ҳасан ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Ибрагимов Шерзод Эгамбердиевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари
Каримов Алишер Амир ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси
Кенжаев Шокиржон Хусанович – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлими командири
Курбанов Марат Юсуфович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм взвод назоратчиси
Мадаминов Бахтиёр Алимович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ўринбосари
Маматов Уткиржон Ақтамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Махсус авария тиклаш бошқармаси бўлими бошлиғи
Мингбаев Адхамжон Олимович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси алоҳида батальони гуруҳ сафдор ходими
Мухаммедов Уктам Холмаматович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Нарзилоев Бахтиёр Каримбоевич – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Бухоро вилояти бошқармаси кутқаруви отряди гуруҳ кутқарувчиси
Никитин Дмитрий Юрьевич – Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Тошкент товар» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости гуруҳ инспектори
Останаев Исламжон Мамараим ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди гуруҳ мутахассиси
Охунов Сардорбек Хамидиллоевич – Наманган ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси
Раҳимов Умарқул Мардоневич – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилояти Нурота тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнгин-қутқаруви қисми техниғи
Саидов Ёркинжон Хасанович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнгин-қутқаруви қисми смена бошлиғи
Сайимбетов Ринат Жақиликович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири
Тожиаматов Шоятбек Абдирахмонович – Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими бўлими бошлиғи
Халилов Шавкатбек Андижанбоевич – Андижон вилояти божхона бошқармаси «Дўстлик» чегара божхона пости бош инспектори
Холиков Мухаммаджон Абдумухторович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус қидируви ёнгин-қутқаруви бошқармаси гуруҳ фельдшери
Эргашев Асқар Тураевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Нукус» халқаро аэропортида хавфсизлики таъминлаш бўйича алоҳида батальони назоратчиси
Эшов Анвар Турдиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм техниғи
Юлдашев Ғолибжон Комилжонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ техниғи назоратчиси
Юсупов Алимардон Убайдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

«СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН
Ибрагимов Зафаржон Амриллоевич – Ўзбеки-

Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



ХАЛҚ ВА АРМИЯ

Қашқадарё вилояти

Ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги

Юрагида ўти борлар

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қашқадарё вилояти кенгаши ва унинг туманлардаги бўлимлари ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги доирасида қатор тадбирлар ўтказмоқда.



Тадбир

ХИЗМАТ

Қадриятларимизга хос

Навоий вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида «N» ҳарбий қисм офицер ва аскарлари, Афғон уруши қатнашчилари, фахрийлар, бирлашма фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида катта тадбир ўтказилди.

тиб бормоқда, – дейди подполковник Мухаммаджон Шерматов. – Ҳарбийларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Биргина 2020 йилнинг ўзида ўз бурчини сўқидилган бажарётган ҳарбийларимизнинг 30 нафарига ҳар томонлама қўлайликларга эга бўлган замонавий уйлар берилди. Шунингдек, уларнинг кўпчилиги Ватанимизнинг турли муқофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Бундан, албатта, барчамиз хурсандмиз.

Тадбирни бирлашма раиси ўринбосари Нормурод Исоқов кириш сўзи билан очди ва иштирокчиларга ватанимиз мудофаа тизимини ривожлантириш, ҳарбий қисмларда олиб борилган маънавий-маърифий ишларнинг юксак натижалари ҳақида сўзлади. Тадбирда иштирок этган вилоят мудофаа бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Мухаммаджон Шерматов бугун юртимиз мудофаа қисмларида хизмат қиляётган аскар ва офицерларга яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг ҳарбий ватанпарварлик салоҳиятини ҳар томонлама ошириш масалаларида олиб борилётган ишлар қўлами ҳақида маълумот берди.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳарбий қисмларда хизмат қилишни ис-таётган ёшлар сони йилдан-йилга ор-



Ақмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»





БИР ТАҢ-У БИР ЖОНДИР

Сурхондарё вилояти

Сариосиёда янги ҳарбий шаҳарча

САРИОСИЁ ТУМАНИ МАРКАЗИДАН ҚАРИЙБ 50 КИЛОМЕТР ОЛИСДАГИ «БОҒИ САМАРҚАНД» МАҲАЛЛАСИ ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН ДХХ ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИГА ҚАРАшли ҲАРБИЙ ҚИСМ ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА-АЪЗОЛАРИ УЧУН ҲАРБИЙ ШАҲАРЧА ҚУРИБ, ФЙДА-ЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

Бу ерда муддатли ҳарбий хизматчилар учун 23 та хонадон, маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, спорт зали, мини-футбол майдони, ошхона, ётоқхона ҳамда барча шарт-шароитларга эга 25 ўринли мактабгача таълим муассасаси бунёд этилган.

— Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва уларни уй-жой билан таъмин-

лаш борасидаги ишларимиз бардавом бўлади, — деди шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов. — Келгусида ҳам бирин-кетин замонавий ҳарбий шаҳарчалар қурилиши давом эттирилади.

— Туманимизнинг чекка ҳудудидан бунёд этилган шаҳарчани кўриб, ғоятда фахрландик, — дейди Сариосиё тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бў-

Шукуҳ

Ўктам ЎТАГОНОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Наманган вилояти

Акс садо

«ВАТАНПАРВАРЛИК ЮРАГИНГА СИНГАН БЎЛСИН!»

Ўзбекистон Республикаси Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Наманган вилояти кенгаши раиси Аҳмаджон Аълоҳўжаев билан суҳбат



— Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ёшлари форумидаги нутқи ва Олий Мажлиса Мурожаатномаси «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да сизни ва сафдошларингизни қандай ишларга чорламоқда?

— Шу ўринда Президентимизнинг ёшлар форумида ташкилотимиз фаолиятига нисбатан билдирган мулоҳазаларини эсга олмоқчиман: «Бир пайтлар «Ватанпарвар» ташкилоти ёшларга нафақат ҳарбий соҳада, балки катта ҳаётда ҳам зарур бўладиган мусобақа ва спорт ўйинларини ташкил этарди, уларни техник касбларга ўргатарди. Шу сабабли йигит-қизларимиз ўр-тасида унга қизиқиш юқори эди. Афсуски, кейинги пайтларда унинг фаолияти сусайиб кетди. Ташкилотнинг аввалги нуфузини тиклашимиз зарур. Шаҳар ва туман ҳокимлари, сектор раҳбарларига, ҳар бир ҳудуд ва соҳа кесимида «Ватанпарвар» ташкилоти базасида ёшларни меҳнат бозорига эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитиш вази-фаси топширилади...»

Ушбу мулоҳазалар ҳар бир ватанпарварчининг қўлига кўзга тутқазди. Ҳақиқатан ҳам, авваллари «ДОСААФ» жуда таниқли бўлиб, унинг номи тилга олинса, ҳамма гап қайси ташкилот ҳақида бораётганини биларди. Бугун эса «Ватанпарвар» ташкилоти халқ ичига, ёшлар орасига тўлиқ кириб борди, деб айтолмаймиз. Кўпчилик ташкилотимизни асосан ҳайдовчиликка ўқитадиган маскан сифатида билади. Ҳолбуки, «Ватанпарвар» ташкилотининг иши кенг қамровли.

— Ана ўша қамров ҳақида тўхталиб ўтсангиз...

— Очиги, ташкилотимизнинг аввалги нуфузи тикланиши кучимизга куч қўшмоқда, бизга ишонч бағишламоқда. Негаки, айна кунларда «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфида 12 та ўқув спорт клуби ҳамда вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази бўлиб, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онига ватанпарварлик туйғуларини синдириш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, спорт ташкилотлари ва жамоалари фаолиятига кўмаклашиш, ёшлар ва фуқароларни мудофиа соҳасидаги бошланғич билимларга ўқитиш, автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини, шунингдек, оммавий техник касблар мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби бир қанча вазифаларни қамраб олади.

— Соҳада қандай янгиланиш ва ўзгаришлар қилинмоқда?

Наманган шаҳар ўқув спорт техника клуби томонидан мактабгача таълим муассасаси ва ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун 3,5х5,5 ҳажмдаги кучма электрлаштирилган

аҳоли яшайдиган ҳудуд макети ташкил қилинди, Янгикўрғон тумани ўқув спорт техника клуби томонидан умумтаълим мактабидан йўл ҳаракати қоидалари бўйича синф хонаси, Поп тумани ўқув спорт техника клуби томонидан мактабгача таълим муассасасида «Пиёдалар шаҳарчаси» ишга туширилди.

Шунингдек, тасарруфимиздаги ўқув ва спорт ташкилотлари автомобиль паркида замонавий енгил ва юк автомобиллари етарли бўлиб, улардан ўқув автомобилли сифатида фойдаланишмоқда. Наманган вилояти кенгаши тизимидаги ташкилотларнинг автомобиллар саройи доимий равишда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замонавий автомобиллар билан бойитилмоқда.

Ана шу мақсадда ўтган йили 2 дона «Ласетта», 2 дона «Кобальт», 4 дона «Спарк», 2 дона «Дамас», 30 дона «Нексия-3», 1 дона «Оттойл» ва 1 дона «Зил-131» русумли, жами 42 дона енгил ва юк автомобили харид қилиниб, ўқув автомобили сифатида жиҳозланди. Кўриниб турибдики, ташкилотимизнинг моддий техник асослари салмоқли даражада...

— Ёшларни спортнинг техник ва амалий турларига кўпроқ жалб этиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Пандемия бўлишига қарамай, ортада қолган йилда бир қанча оммавий тадбирларни ўтказишга улгурдик. Тасарруфимиздаги ташкилотларда ёзи олимпиада ўйинлари дастурига киритилган «Ҳаво милли»дан ўқ отиш, «Триатлон», «Ёғи биатлон», «Дуатлон», «Модель-созлик», «Ракетамодель», «Авиамодель», «Эркин учувчи авиамодель», «Корд авиамодель», «Радиоспорт», «Картинг», «Мотоспорт», «Ҳарбий амалий кўпкураш» турлари бўйича тўғра-рак ва секциялар фаолият юритиб келмоқда. Учқўрғон тумани ўқув спорт техника клуби томонидан халқаро стандартларга жавоб берадиган умумий узунлиги 1050 метр бўлган «Картдорм» қайта барпо этилди.

— Эришилган ютуқлар ҳақида ҳам икки оғиз фикр билдирсангиз...

— Ўтган йили умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон кубоги ва спорт мусобақаларида ўқ отиш спорт бўйича Наманган шаҳрида, ракетамодель спорт бўйича Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатларида фахрли ўринларни қўлга киритган бўлса, картинг пой-гоҳи спорт бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида жамоамиз аъзолари пешқадам бўлишди. Гувойи бўлганимиздек, «қозон»имизда «чўмичга чиқадиған» ютуқларимиз серроб. Улар ўз-ўзидан бўлмади. Ватанпарварлик, аввало, кишининг юрагига синган бўлиши керак. Ана шундагина яхши натижалар бўлиши, шубҳасиз.

Санжарбек ҲАМИДОВ суҳбатлашди

Мана, 29 йилдирки, Ватан ҳимоячилари кунини озод ва эркин халқнинг энг муҳим байрамларидан бири қаторида нишонлаб келамиз. Ўзбекистон армиясининг қудрати нимада? Шубҳасизки, ҳарбийлар билан бутун жамиятнинг бирлиги ҳамда ҳамжиҳатлигида. Яъни, армия ва халқнинг бирдамлигида. Буни ҳар йили юртимиз бўйлаб кенг жамоатчилик иштирокида кўтаринки руҳда ўтадиган ватанпарварлик ойлиги тадбирларида ҳам кузатиш мумкин. Армия халқдан, халқ эса армиядан куч оlib, эртанг кунга ишонч орта-этигани кимни қувонтирмайди?! Мана шу маънавий қудрат бизнинг улкан бойлигимиздир.

Ўзининг буюқ тарихи ва аждодларига муносиб бўлган ўзбек халқи мамлакат хавфсизлигини ишончли таъминлай оладиган қудратли миллий армияни яратди.

Буюқ тарих ва аждодлар... Бу ҳақда узоқ тўхталмиш мумкин. Лекин келинг, миллий армиянинг байрами, Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан яқин тарихдаги муҳим бир воқеани, аниқроғи, жадидларнинг Туркистонда миллий армия тузиш ораси ҳақида фикрлашасан.

Жадидлар миллатни уйғотиш, Ватанни озод қилиш, истиқлолга эришиш учун маориф, таълим, тил, адабиёт каби муҳим масалалар қаторида аскарлик муаммоларини ундан сўнгра шўролар ҳукумати эрк учун Туркистонда авж олган исёнлар, кўзғолонлар, миллий озодлик ҳаракатларини бостириш мақсадида айнан ўзимизда ҳарбий кадрлар тайёрлашга зўр беришди.

Пётр Галузининг «Туркистон — колония» номили китобида 1899-1917 йиллар давомида Фарғона, Самарқанд, Ҳазорбўйи, Сирдарё, Еттисув вилоятларида чор ҳукуматига қарши кўтарилган 4922 тв кўзғолонлар ҳақида маълумотлар берилган. 18 йил давомида Туркистондаги маҳаллий аҳоли мустамлакачилик сиёсати, топталаётган ҳуқуқларига қаршилик ҳаракатлари билан жавоб беришди. Уша даврда йилга ўртача 270 та кўзғолон кўтарилди. Масалан, биргина 1917 йилга оид тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, Фарғонада 324 маротаба, Ҳазорбўйида 171 та, Самарқандда 47, Еттисувда 5 та кўзғолон — жами 547 маротаба халқ мустабидларга қарши исён кўтарилди. Халқнинг бундай норозилигини, озодлик йўлидаги ҳаракатларини қурол кучи, армия қудрати билан бостириш мақсадида мустамлакачилар



Рамзий сурат

«БИЗГА ЭНГ АВВАЛ, АСКАР КЕРАҚДИР»

ёхуд жадид боболаримиз орзуларида кучли армия бор эдимиз?

1900 йилда Тошкентда кадетлар корпусини, 1915 йилда эса прапоршниклар мактабини очиб, Туркистонда ҳарбий мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берди. Ҳокимият шўролар қўлига ўтгач, 1918 йилда Туркистон совет қўмондонлиги курслари ташкил этилади.

Халқ большевиклар даврида ҳам зулм, ҳақсизлик ва адолатсизликдан жабр чекиди. Шу сабабли жамиятнинг энг илғор қатлами бўлган жадидлар матбуотдаги чиқишларида кўшин тузиш, ўз армиямизга эга бўлиш масаласини олиб чиқа бошлашди. Хусусан, «Хуррият», «Иштирокиюн», «Туркистон», «Зарафшон», «Меҳнаткашлар товуши» каби газеталарда мақолалар берилди. Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Ҳожи Муин каби жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндалари ўз чиқишларида Ватан ва хуррият учун армия зарур эканини ҳақида фикр-мулоҳазаларини дадил ифода этишди.

Масалан, Абдурауф Фитрат ўз мақоласида «Мухториятни олмоқ ва сақламоқ керақдир. Сўзга ўз ишини қилди. Қолганлари бутун миллининг вазифасидир. Мухториятни сақламоқ учун куч лозим» дея кўшин тузиш ҳаёт-мамонт масаласи эканига эътибор қаратади.

Ҳожи Муин ўз чиқишида муаммони янада кескин қўяди: «Ҳозирги вазифамизга қараганда бизга энг аввал, аскар керақдир. Чунки ҳозирги дохилий шўриш ва инқилоб ҳаржий душманларнинг таъвозуидан ортиқ бизга қарши хатарли бир ҳолга ай-

ланмақдасдурки, бу шўришдан ватан ва хурриятни қутқариб олмоқ учун аскарларий зўр бир қувватга молик бўлмағимиз мутлақо лозимдир»

Том маънода озод ва эркин бўлиш, чор Россияси, ундан сўнгра шўро ҳукумати томонидан топталаётган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, истиқболдаги нурли кунлар учун армия тузиш заруратини оғрикли муаммо сифатида Абдулла Қодирий ҳам матбуотга олиб чиқади:

«Бошқалар тарафидан ҳуқуқининг топталмови, четларга маҳжум, мазлум бўлмаслик, чет миллатларга ўз товушини эшитишнинг эшитмоққа мажбур этувига шубҳа йўқким, қўлингизда қуролнингга, аскарларий кучингизга қараб бўлур. Мамлакат идораси аскарсиз мумкин эмас. Идора ўз қўлимизга ўтказ, табиий, ватанимизнинг душмандан муҳофазати ўз устимизга тушажақ. Бунинг учун ўз аскаримиз бўлурга керак. Табиийдирки, мамлакат идораси бизнинг қўлда бўлиб аскарликни бошқалар қилмаяжақ. Бу мумкин ҳам эмас. Шунинг учун агарда биз мустақил, қулликдан қутулиб яшовчи хоҳлар эканмиз, яқин истиқболимиздаги бахтли кунлар учун аскар бўлувими, ватан муҳофазасига ҳозирланувими лозим. Лозимгина эмас алзамдир»

Жадидчилик ҳаракатининг яна бир таниқли вакили Маҳмудхўжа Бехбудий «Меҳнаткашлар товуши» газетасининг 1918 йил 2 август кунги сонидида «Ғалла, аскарлик, ер ва таъминоти ҳарбия» сарлавҳали мақола эълон қилади. Мақолада эътилоҳчи, Бехбудий 1918 йил 16 июль кун

Тошкентга бориб, Туркистон ҳукумати раиси Тобулиннинг қабулига қиради ва амалдор билан миллат учун ўша пайтдаги энг оғриқли муаммолар — ғалла, аскар олиш, таъминоти ҳарбия (ҳарбий контрибуция, урушда енгилан давлат томонидан ғалиб давлатга сулҳ шартномаси асосида тўланадиган пул — муаллиф изоҳи), ер ва сув масаласида суҳбатлашади. Гарчи бу суҳбатда юқорида келтирилган мақолалардаги сингари Туркистонда кўшин тузиш масаласи яққол кўзга ташланмаса-да, мустамлака зулми остида яшаётган маҳаллий халқнинг дарди, ташвиши акс этади. Бехбудий шўро амалдоридан умид қилиб, унга бир соатдан кўпроқ вақт давомида юқорида қайд этилган муаммолар Туркистонда тинчлик, осойишталик ўрнатилишида қанчалар муҳим эканини тушунтиришга ҳаракат қилади. Масалан, маҳаллий аҳолидан аскар олиш масаласида маърифатпарвар бобомиз шундай таклиф беради:

«...Иккинчи, аскар масаласидирки, бу ҳар нарсанин муҳим ва мунинг умумий бўлуши лозим. Аммо муулмонлар ҳануз шунча ўрганмаган ва ҳам дохили фитначилар қора халқнинг фикридан фойдаланиб, эҳтимолки, баъзи бир фитналарга сабаб бўлсалар. Ва ҳам номўълум ва сиёсатан фикри билкулли нотўғри кишилар қўлига яроқ ўтуб, эҳтимолки, култулмазан ёмон ҳодисалар пайдо бўлса. Шунинг учун таклиф қиланки, то халқ ўрганиб, бироз аҳвол ўзгаргунча умумий аскар олинмай, кўнгили тарикқинда тарғиб ва ташвиқ билан ҳам халқнинг аҳволига қараб олинса эди».

Ҳукумат раиси Тобулин ўртага ташланган тўртта масала бўйича билдирилган таклифларни ёзиб олиб, яхши ваъдалар беради. Мақолада бу ҳақда шундай фикрлар бор: «Ғалла иши сиездига бўлур, деди. Самарқандда аскарнинг кўнгили равишида олиннишга ва янгидин таъминот олинмаслиги ва ҳам ер тақсимини мавқуф қилишига фикри бирлигини сўйлади. Ва бу тўғрида тадбирлар кўрарга ваъда этди».

Тарихдан маълумки, совет ҳокимияти даврида ҳам Туркистонда миллий озодлик ҳаракати авж олган. Шўро ҳукуматининг сиёсати алдов ва хиёнатдан иборатлигини ўз вақтида англаб етган жадидлар том маънодаги озодлик ва эрк учун Туркистонда миллий ҳарбий қўшинларга кучли эҳтиёж борлигини матбуотда олиб чиқишади. Бу чиқишлар жиддий муҳокамалар билан бир қаторда ҳукумат қаршилигига ҳам сабаб бўлади...

Ҳа, хурлик учун курашган жадидчи боболаримизнинг орзу-умидлари бизга насиб этди. Бугун мамлакат мустақиллиги, худудий яхлитлик, чегаралар дахлсизлиги, тинч ва осойишта ҳаётнинг ишончли ҳимоячиси бўлган миллий армиямиз бор. Унинг «бўй-бастига» қараганда қалбимиз фахр ва ғурурга тўлади.

Алиқон САҒАРОВ, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети катта ўқитувчиси

